

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOYIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 10-avgust • Payshanba • 90 (27.582) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

ОКСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 9 август куни Оксаройда АҚШ давлат котибининг ёрдамчиси Ричард Баучерни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, ушбу учрашув ўзаро муносабатларга доир муҳим масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қўлай имконият эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон жаҳонда тинчлик ва барқарорлиқни сақлаш, шунингдек, барча мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш тарафдоридир. Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган ташқи сиё-

сат ҳам аввало ана шу тамойилга асосланади. Шу боис Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги кўп қиррали алоқаларнинг изчил ривожланишида ўзаро аниқлашув ва ҳурмат мавжудлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Ричард Баучер кўп йиллар давомида қатор етакчи дипломатик лавозимларда меҳнат қилган таниқли сиёсатчи. У айни пайтда АҚШ давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё масалалари бўйича ёрдамчиси.


Ташриф дастурига мурофиқ

Р.Баучер Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам музокара ўтказди.

Оксаройда ўтган учрашувда ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди ҳамда икки томонлама манфаатли муносабатларнинг истиқболли билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Сўхбат чоғида, шунингдек, минтақавий ва халқаро муаммоларни ҳамжиҳатлик ва тинч йўл билан ҳал этишнинг муҳимлиги таъкидланди.

(ЎЗА)

ОЗОД ЮРТ ИНШООТЛАРИ



— Ҳозиргача кўприк қурилишида бир миллиард сўмликка яқин қурилиш-монтаж ишлари бажарилди, — дейди Наманган кўприк ва йўллардан фойдаланиш корхонаси бош муҳандиси Олимжон Эгамбердиев. — Биз бу ерда беш пудратчимиз. Иншоотнинг умумий қиймати 1 миллиард 650 миллион сўм. Ҳозир қурилиш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Сўнгги пардозлаш ишлари кетаяпти. Ана шундай пайтда: 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон ва барча ўзбекистонликлар тарихи ва ҳаётида ўчмас из қолдириб кескин бурилиш ва ўзгариш ясаган тарихий воқеа юз берди.

мизнинг 15 йиллиги тантаналари кунлари озод юртимиз иншоотларидан бўлмиш — биз қураётган кўприкда ҳаракат қатнови йўлга қўйилади...

Суратларда: қуриляётган кўприк кўринишидан лавҳа; Наманган кўприк ва йўллардан фойдаланиш корхонаси техника муҳандиси Юсуфжон Ўбайдуллаев билан Тўрақўрғон туман йўл хўжалик-пудрат таъмирлаш ва фойдаланиш корхонаси муҳандиси Раҳматилла Қайюмов. **Хотамжон МАМАДАЛИЕВ** (ЎЗА) олган суратлар

Истиқлол йиллари Наманган шаҳри жамоли нафақат кўркем бинолари бири-биридан обод кўча ва хиёбонлар, балки маҳобатли кўприклар, кенг, раво йўллар билан ҳам чирой очди. Мустақил-

ликнинг 15 йиллиги арафасида шаҳарнинг Чорсу мавзесида яна бир йирик иншоот — ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида барпо этилаётган йўл ўтказгич қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқ-

да. Бугунги кунда мазкур объектда икки юз нафардан зиёд ишчи ва инженер-техник ходимлар икки сменада меҳнат қилишяпти. Саксондан зиёд транспорт ҳамда механизмлар ишламоқда.

• Танишинг, янги элчи

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ ОСТОНАСИДА



Мухтарам ўқувчи, қуйидагини «Жаҳон» ахборот агентлиги томонидан янги руҳ остида тайёрланган, Тошкентда фаолият кўрсатаётган дипломатия миссияларига янги тайинланган раҳбарлар тўғрисида ҳикоя қилувчи илк сўхбат деб биласиз. Яқинда давлатимиз раҳбарига Қозғистоннинг Ўзбекистондаги Фақулда ва мухтор элчиси Асқар МИРЗАХМЕТОВ ишонч ёрликларини топширди. Агентлик муҳбири элчи жаноблари билан мулоқотда бўлди.

— Асқар Исобекович, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи тўғрисидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз, Қозғистон Президенти Н.Назарбоевнинг шу йил баҳорида Ўзбекистонга буюрган ташрифидан сўнг бу борада қандай ижобий ўзгаришлар кузатилди, деб ўйлайсиз?

— Қозғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар ўзининг барқарорлиги, шунингдек, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва, албатта, яқин қўшничилик алоқалари ривожининг му-

айян даражадаги ўсувчанлиги билан изоҳланади. Бугунги кунда Қозғистон — Ўзбекистон муносабатларининг ҳуқуқий асосини ҳамкорликнинг дегирли бarcha соҳаларини қамраб олувчи юздан зиёд ҳужжат ташкил этмоқда. Уларнинг ҳаёта татбиқ этилиши қай даражада тўлиқ ва самарали кечаётгани бошқа масалалар. Шу боис Қозғистон Президентининг давлат ташрифи чоғида томонлар мазкур ҳужжатларни баҳолаш ва энг муҳимларини, жумладан, икки томонлама алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилувчи концептуал ҳужжатларни белгилаш

ва мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги босқичини бошлашга қарор қилган эдилар.

Ташриф тўғрисида тўхталар эканмиз, у икки ва кўп томонлама масалаларга ёндошув борасида фикрлашмиш, ҳамкорликнинг тарихий ва сиёсий-иқтисодий салоҳиятидан имкон қадар тўлиқ фойдаланишнинг йўллари белгилаш имконини берди. Ишончимиз комилки, президентлар томонидан ташриф якуналари бўйича қабул қилинган барча қарорларнинг ижро этилиши ўзаро муносабатларимиз-

ни сезиларли даражада фаоллаштириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади. Икки мамлакат раҳбарларининг бевоқифа ҳимийлигида ташкил этиладиган ва ҳар ярим йилда йиғилиб турадиган Давлатлараро мурофиқлаштирувчи кенгаш бу мақсадларга эришишга хизмат қилади. Мазкур институт ташкил этилишининг ўзидек ўзаро муносабатларимизнинг аҳамияти нақддор юқори даражада эканини намойиш этади. Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига (ЕвразЭС) киришиш муносабати билан минтақавий интеграция жараёнлари чуқурлашуви ҳам катта умид боғлаб турибмиз.

— Президентлар томонидан берилган топшириқлар ижроси бўйича аниқ мисоллар келтирсангиз.

— Мисолларга келсак, икки мамлакатнинг 2006-2010 йиллар давомида иқтисодий, маданий-гуманитар, техникавий, экология ва, бошқа соҳалардаги шериклигини назарда тутувчи кенг қамровли ҳамкорлик Дастури лойиҳасини таъкидлаш ҳождир. Ҳужжат айни пайтда икки мамлакат давлат идораларида зарур келишувлардан ўтмоқда ва яқин вақт ичида қабул қилиш учун тай-

ёр бўлади. Бунга қўшимча равишда Тошкентда Қозғистон тараққий банк ваколатхонасининг очилгани, икки мамлакат божхона ва чегара хизматлари раҳбарлари учрашувининг ўтказилгани ҳамда унда мавжуд муаммоларга бeрxам бeриш юзасидан зарур қарорлар қабул қилингани ҳам айтиб ўтиш мумкин. Жорий йил сентябрда Семипалатинск шаҳрида имзоланиш кутилаётган «Марказий Осиёни ядро қуролдан холи ҳудудга айлантириш тўғрисида»ги шартнома аҳамияти нечоғли юксак эканини эса алоҳида қайд этишни истар эдим.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов топшириғига биноан шу йилнинг июнь ойида Олмаота — Тошкент — Нукус йўналишидаги янги темир йўл тармоғи ишга туширилди. Шунингдек, Олмаота — Самарқанд, Олмаота — Бухоро, Олмаота — Хива йўналишларидаги йўловчи ва сайёҳлик поездлари қатновини йўлга қўйиш ҳам кўзда тутилган.

• ЎЗХДП ҳаёти

ИФТИХОР ТУЙҒУСИ

ЎЗХДП Самарқанд шаҳар кенгаши бир гуруҳ фаоллар партия янги аъзолик билетларини топширди.

Байрамона руҳда безатилган А.С.Пушкин номидаги вилоят марказий кутубхонасига партия билан ҳамнафас яшаб келаётган фахрийлар, партия ишида ўзининг бор куч-гайратини сарфлаётган фаоллар жамулжам бўлишди.

Дастлаб, ЎЗХДП Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Дилбар Имомова сўзга чиқиб, партияга аъзолик билетларини алмаштиришнинг сабаб ва аҳамияти ҳақида тўхталди. Келгусидаги режалар ва белгилаб олинган вазифалар тўғрисида ахборот берди.

Шундан сўнг тadbирга йиғилган 100 нафардан зиёд партия аъзоларига ЎЗХДП янги билет-

лари тантанали равишда топширилди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан ўтказилган ушбу тadbир баҳонасида партиядошлар дилдан сўхбатлашди. Вилоят Маданият ва спорт ишлари бoшқармаси томонидан ташкил этилган концерт дастури йиғилганларга яхши кайфият бағишлади.

Шухрат ҚАРШИЕВ



ИНТЕРНЕТ

Инсоният исботлаб ўз даҳосини, Қурган эди Тоғмаҳалу Румосини. Интернетни барпо этдик бугун, аммо Кимдир ундан тарқатмоқда ивсосини.

Абдулла ОРИПОВ
2006 йил 8 август

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT

XALQARO AEROPORTI

Халқатлар айланишканган

O'ZSANOATQURILISHBANK

SIZNING MANFAATINGIZ — BIZNING MAJBURIYATIMIZ!

Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz

Халқатлар айланишканган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI

MULKIDORGA HANKOR!

Tel.: 132-25-51, 133-46-61, факс: 133-20-74
WWW.tshbmn.uz E-mail: info@tshbmn.uz va Birja@mail.tps.uz

Халқатлар айланишканган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари

Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР

Халқатлар айланишканган

• ЎзХДП ҳаёти

ТАШАББУСКОРЛИК БОР ЖОЙДА

ПАРТИЯНИНГ ОБРЎСИ ОШАДИ, МУАММОЛАР ЕЧИМИ ТОПИЛАДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг V курултойи партия ҳаётида муҳим ўрин тутди. Хуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида сиёсий партия ва унинг ҳар бир аъзосидан фаоллик, изланиш ҳамда ташаббускорлик талаб этилади. Шу боис курултойда қабул қилинган ХДПнинг янги Дастурида партиянинг стратегик мақсадлари ва устувор вазифалари белгилаб, уларни амалга ошириш учун аниқ режалар ишлаб чиқилди. Хўш, ана шу Дастур талаблари Бухоро вилоят партия ташкилоти томонидан қандай бажарилди? Биз шу савол билан вилоят партия кенгаши раиси Саида ЖҰРАЕВАга мурожаат этдик.

— Биласизми, ЎзХДП V курултойи, Марказий Кенгашнинг IV пленумида иштирок этиб биз жойларда ҳали ҳам мураккабдан тўла кутула олмаганимизга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Вилоят партия кенгашининг навбатдан ташкари бўлиб ўтган пленумида ташкилотимиз фаолиятига ана шундай танқидий баҳо берилди. Бир вақтлар партия-мизда муносиб ўрин эгаллаб келган ташкилотимизнинг кейинги йилларда кўп соҳаларда эгалланган марралардан чекинганини хаспўшлаб бўлмайди. Бунинг асосий сабаби кўпгина раҳбар кадрларнинг масъулиятсизлиги, уларга бўлган талабчанлик сусайиб кетганиги пленумда очик-ойдин айтилди. Энди айтиш-чи, ЎзХДП мамлакат сиёсий кучларининг сўл қаноти сифатида танилаётган бир пайтда бундай ҳол билан мурожаат қилиб бўладими? Пленумда таъкидланганидек, ташаббус йўқ жойда обрў ҳам бўлмайди. Бунда асосан, етакчилар зиммасидаги масъулият анча оғир бўлиши табиий, албатта. Шу боис улар жойларда партиянинг обрўси, нуфузи учун жавобгарлигини ҳис этишлари зарур.

Дарвоқе, Саида Жўраева вилоят партия кенгаши раиси этиб сайлангандан сўнг, у аввало эътиборни пленумда ургу берилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга қаратмоқда. Шу мақсадда у Бухоро шаҳри ва барча туманларда бўлиб, жойлардаги аҳолини, раҳбар кадрларни обдон ўрганиди, кўплаб фаоллар билан юзма-юз мулоқот қилди. Партия кенгашлари раислари билан ҳаммасаб сифатида узок йиллардан буён ёнма-ён ишлаб келаётган, уларнинг ишлари тўғрисида тасаввурга эга бўлса-да, кейинги янги учрашув ва суҳбатлар улар фаолиятининг янги қирраларини очди.

— Раҳбар кадрлар орасида бугунги кунда партия ташкилотлари олдида турган долзарб вазифаларни яхши билиб, мавжуд муаммоларнинг ечимини топишга ҳаракат қилаётганлар ҳам, кунинг та-лабини идрок этмай, масъулиятсизлик билан ишлаётган-

Ваҳоланки, республикада барча оқсоқолларнинг 52 фоиздан кўпрогини партияимиз аъзолари ташкил этдилар. Демак, биз, хусусан айрим партия кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотлари ўз маҳалламиз, ўз ҳудудимизда аҳоли орасида қониқарли ишламаганмиз ва буни очик тан олишимиз керак. Энг муҳими, бундан сабоқ олиб, маҳалла-лардаги ишларимизни кескин кучайтиришимиз лозим. Нафақат сафдошларимиз оқсоқол ва унинг маслаҳатчилари этиб сайланган маҳаллаларда, балки, хусусан, оқсоқоллар бошқа сиёсий партиялардан сайланган, бошланғич партия ташкилотимиз яхши ишламаётган маҳаллаларда алоҳида ва кўпроқ эътибор беришимиз керак. Бу эса биздан ҳаммизга халқ орасида бўлиши, одамларни қийнаётган муаммолар, айниқса, меҳнатга лаёқатли фуқароларни иш билан таъминлаш, коммунал хизматлар ҳақи оширилиши сабабларини ўрганиб, электротаримиз манфаатларини ҳимоя қилиш учун астойдил ҳаракат қилишни талақозо этди.

Мен вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз ҳам фаол бўлишимиз лозим, деб ҳисоблайман. Агар улар қонун билан берилган ваколат ва ҳуқуқларидан фойдаланиб олмай қийнаётган, маҳаллий ҳокимлик ва бошқарув органларидаги айрим мансабдор шахслар ҳал қилмаётган ишга бандлик, газ ва ичимлик суви муаммоларини сессияларга олиб чиқмасалар, сессиялар оралиғида давлат идоралари олдида қўймасалар, бу ишни ким қилади?! Умуман олганда, депутатлик гуруҳларимиз аксариятининг ишини бугунги кун талабларига жавоб беради деб бўлмайди. Биз бу ҳақда ўйлаб қўриб, таъсирчан чораларни қўришимиз даркор.

Биласизми, партияимизнинг дастурий ҳужжатлари ва фаолияти билан танишиб, ХДПга ишонч билдираётган, унга умид боғлаган фуқаролар кўплигини ҳисобга олганда, мен буни шунга таяниб айтаяманки, ўтган йилдан буён барча партия кенгашларимиз ҳузурида фаолият кўрсатаётган жамоатчилик қабулхоналари келаётган одамларнинг кети узилмайди. Айни пайтда вилоятимизда ана шундай қабулхоналардан 13 таси бўлиб, уларга одамлар турли масалалар билан мурожаат қилаётган. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида юрдошларимиздан қарийб 400 нафари партия қабулхона-рига мурожаат этишди. Улар-

га 182 та масаланинг ижобий ҳал этилишига ёрдам берилди. Қолганлари бўйича мурожаатлар тегишли идора ва бошқарув орган-ларига қўриб чиқиш учун юборилиб, назоратга олинди ёки фуқароларга масла-ҳатлар берилди.

— Бундай қабулхоналарнинг очилиши, — дейди Қоракўл туман партия кенгаши раиси Файзулла Бебутов, — фуқароларимиз учун катта қулайлик бўлди. Турли идораларга мурожаат этиб сарсон бўлганлар, иши битмаганлар бизга кўпроқ келишаркан, назоратда партияимизга ишонч борлигини, ХДПнинг мавқеи ошаётганини кўрсатади. Шу пайтга қарийб 50 нафар қоракўлликнинг дардини тинглаб, мушкултини осон этдик.

Хозирги кунда ЎзХДП V курултойи, МК IV пленуми кўрсатмалари асосида мафкуравий ишларни жонлан-тириш ва кенг қамровилигини таъминлашга эътиборни кучайтирмакда. Вилоят партия кенгаши пленумида бу соҳадаги вазифаларимиз аниқлаб, уларни бажариш бўйича амалий тадбирлар режаси белгиланди. Бу соҳада ҳам ташаббускорлик бўлса, режалар амалий иш-лар билан қўллаб-қувватлан-са, самарга умид боғлаш мумкинлигини тушунамиз. Шунинг учун барча кенгаш-лар қошида фаолият кўр-су-тувчи тарғибот гуруҳлари таркиби қайта қўриб чиқил-ди, уларга олий ва ўрта мах-сус ўқув орталари, умумтаъ-лим мактабларида ишлаёт-ган олимлар, сиёсатчилар, ўқитувчилар, турли касб эга-лари жалб қилинди, услубий йўл-йўриқ ва кўрсатмалар берилди. Ҳозир уларни ўқитиш масаласини ўргана-япмиз. Тарғиботчиларимиз томонидан мустақилликнинг 15 йиллиги олдида ўткази-лаётган суҳбатларда, маъна-вият кунларида, турли тад-бирларда партия электоро-тига, қолаверса бутун аҳоли вакилларига истиқлол йил-ларида қилинган ишлар ахамиятини, ЎзХДП янги Дас-турининг маънавий-сиёсий долзарб ижтимоий-сиёсий масалаларда партияимиз по-зициясини тушунтириб бер-моқдалар. Бу эса ХДП саф-ларига янги аъзоларни, та-рафдорларни жалб этишда, партияимизнинг аҳоли ўр-тасида обрўсини оширишда ва муаммолар ечими топили-шида қўл келяпти.

Даврон БАХРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

— Қаранг-а, мустақиллик ҳам, партияимизга ҳам ҳаш-паш дегунча ўн беш йил бўлди-я...
— Ҳа, ўн беш йил! Ўн беш баҳор...!
— Аммо, ким нима деса десину, шахсан меннинг назаримда, ЎзХДПнинг чинакам баҳори шу йилги баҳордан — апрель ойи бошида ўтган IV пленумдан бошланди, — деб қолди дабдуруст-дан суҳбатдошим — Тахтақўйир тумани ҳокими, Қорақалпо-ғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати, ХДП туман кенгаши ижроия қўмитаси аъзоси Татлимурат Атамуратов.
— Нега ундай дейсиз? — сўради ахабланган.
— Шундай, — деди у қатъий ва давом этди. — 1991 йилдан сўнгги тўрт-беш йилларда очиги, партия бироз қарахат эди. Собик иттифокнинг компартияси синиб, ЎзХДП ўзи алоҳида мустақил партия ҳолида сиёсий майдонга чиқди-ю, лекин ҳали у қадар таҳрибга эга бўлмагани учунми ёки янгича бозор иқтисодиёти шароитида рақобатчи йўқлигини — ҳар қалай паршироқ эди...
Дастурининг мафкуравий принциплари ҳам хозиргидек шакл-лашиш жараёнига кириб улгурмаганди. Унда «партия ташки-лотлари аҳолининг кам даромадли ва энг ночор қисмининг иж-тимоий жиҳатдан ишончли ҳимоя қилинишига эришиш учун ҳара-кат қиладилар» деган мақсад ифода этилгани билан ҳали ўз электоратини аниқлаб олмаганди. Майдонга чиқишга уринаёт-ган сиёсий кучларга нисбатан қайси позицияда, қайси қанотда бўлишни ҳам ҳали тўла аниқлаб етмаганди... Тўғри, тан олиш керак, партиянинг истиқлолнинг илк кезлариданоқ собик ком-партиядан сўнг янгидан, мустақил пайдо бўлиши, ўзини Ўзбе-кистонда дастлабки сиёсий куч сифатида намойён этиши — мам-лакат ҳаётида жуда катта воқеа эди, албатта. Шубҳасиз, унинг бу даврда ўз ўрни, ўз мавқеи бор.
— 2000 йиллар атрофида-чи? — сўзини бўлдим унинг.
— Бу йилларда мамлакатда сиёсий майдонга янги сиёсий куч-лар кириб кела бошлади: собик «Ватан таракқиёти», «Миллий тикланиш», «Адолат», кейнроқ «Фидокор»... Айниқса, ёшлар парти-яси номи билан кириб келган «Фидокор» Миллий демократик партияси фаолият бошлагандан сўнг мавжуд сиёсий кучлар

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Янги лавозимдаги фаолиятининг асосий йўналишлари нималардан иборат бўлади, биринчи галда қайси масалаларга эътибор қаратишни ният қилгансиз?
— Бу ҳақда мен аввалги са-волларингизга қайтарган жавоб-ларимда ҳам қисман тўхталиб ўтдим. Элчинона фаолиятининг асосий йўналишлари Ўзбеки-стоннинг Қозоғистон ташқи сиё-сатидаги тарихий ва геосиёсий устуворлиги, минтақадаги ҳаф-сизликни таъминлаш ҳамда Марказий Осиёни ривожланти-риш каби масалалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Шу маънода йўлбошчиларимиз то-монидан эришилган келишувлар ҳамда мамлакатларимиз ўр-тасидаги доимий амалий рўхдаги сиёсий мулоқот давлат ҳокимия-тининг вазифаларини белгилай-ди, уларнинг аниқ ижро этили-шини талаб этди. Шундай экан, элчинона қабул қилинган қарор-ларнинг катализатори, мувофиқ-лаштирувчиси ҳамда ижрочиси

бўлиши керак ва шундай бўла-ди ҳам. Бу — умумий вазифа-лар. Лекин қабул қилинган ва эндигина ишлаб чиқилаётган ҳужжатларда ҳам амалга оши-рилиши лозим бўлган кўплаб муҳим ва аниқ масалалар бел-гиланган.
Уйлашимча, олдимизда турган ишлар ва фаолиятимизнинг бар-ча йўналишлари хусусида бир-ма-бир гапириб ўтиришнинг ҳо-жати йўқ. Менимча, биз бу ҳақда юқорида айтиб ўтилган давлатлараро Дастур қабул қилинганидан сўнг учрашиб, ба-тарфил фикр алмасашақ яхшироқ бўлади. Лекин шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш жоиз. У ҳам бўлса Қозоғистон — Ўзбекистон муносабатларининг беқийслиги-дир. Икки қардош халқнинг та-рихи, маданияти, тили ана ўша беқийсликнинг бир палласи бўлса, Ўзбекистонда бир мил-лиондан зиёд қозоқ, Қозоғистон-да эса ярим миллион ўзбек мил-лати вакиллари истиқомат қи-лиши унинг иккинчи палласидир. Шу боис халқларимизнинг ма-даный-тарихий меросини сақлаш ва ривожлантириш, уларни ўза-

ро бойитиш ҳар доим муҳим аҳамият касб этиб келади.

— Элчи бўлиш учун нима қилиш керак? Асқар Исобеков-чи, илтимос, ўзингиз ҳақингизда гапириб берсангиз: қаерда улғайгансиз, ўқигансиз, меҳнат фаолиятингиз қандай кечган, бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?
— Ўзингиз биласиз, элчилар, асосан, дипломатлар орасидан тайинланади. Лекин бошқа жи-ҳатдан олиб қараганда, элчи бу — сиёсий лавозим ва, шундай экан, турли сиёсий арборлар ҳам ушбу лавозимни эгаллаши мумкин. Мен шуларнинг икин-чи тоифасига мансубман.

Шимкентда туғилганман, мак-табни ҳам шу ерда тамолладим. Олмаотада институтни, Москва-да аспирантурани тугатдим. Фан соҳасида ишладим, турли ҳўжа-лик юритувчи ва жамоат ташки-лотларини бошқарганман. Охи-рг и етти йил давомида Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигида вазир ўринбосари, вазирнинг бирин-чи ўринбосари ҳамда вазир ла-возимиде ишладим. Сузишни

Сўхбатдош: Олғ ШАТУНОВСКИЙ, «Жаҳон» АА

• Фармон ва ижро «ЎЗДАВТЕМИРЙЎЛНАЗОРАТ» ДИ:

ТИЗИМ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА


ва айна пайтда унинг назорат органлари масъулияти ҳам ҳар қачонгидан ортмоқда

Президентимизнинг ўтган йил 5 октябрда имзо чеккан «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши йўлида назорат орган-лари ходимлари ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ҳар қачонгидан кучайтириб юборди.

Масалан, «Ўздавтемирйўлназорат» инспекциясининг Қашқа-дарё филиали ходимлари маз-кур ҳужжат мамлакатимиз икти-содиёти ривожига тутган муҳим ўрнини чуқур ҳис этган ҳолда те-мирйўл тарғибот гуруҳларида йўл қўйилаётган нуқсонлар ва носоз-ликлар олдини олиш ҳамда ҳав-фсизлик чораларини кўчатириш юзасидан профилактика иш-лари сифатида алоҳида эътибор бермоқдалар.

Биргина мисол: яқинда «Очил ота», «Нилфурат», «Агат сигма», «Сирож», «Кўмир сав-до», «Шарбат савдо» сингари фирмаларнинг раҳбарлари (К.Очилова, А.Юсупова, А.Ба-кирова, М.Нороз, Б.Жонбўтаев, И.Оминов ва бошқалар) шохоб-ча йўллари ва техника восита-ларидан фойдаланиш ҳамда уларнинг сақлиниши билан боғ-лиқ масалалар муҳокама этилган семинар-машуғула тақ-лиф қилинди.

Унда «Ўздавтемирйўлназорат» ДИ бошлиғи Б.Юсупов иштирок этиб, мажкур фирмалар вакиллари қизиқтирган барча масала-лар юзасидан билдирилган фикр-лар ва мулоҳазаларни эшитиб, уларга Давлатимиз раҳбарининг



КУШАНДАНИНГ ҲАМ КУШАНДАСИ БОР

Айни кунларда Фарғона вилоятида қишлоқ ҳўжалиги экинлари-нинг зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш борасида самарали ишлар олиб беришмоқда. Бу борда вилоят ўсимлик-ларни ҳимоя қилиш маркази томонидан биологик усулда кура-шиш бўйича 115 та лаборатория фаолияти йўлга қўйилган. Ва-зирлар Маҳкамаси қарорига асосан биологаторларни кен-гайтириш ва қўшимча жиҳозлар билан таъминлаш ҳисобига улар-нинг ишлаб чиқариш қуввати 20 тоннга оширилди.

Бу йил вилоят бўйича 1699 килограмм 300 грамм трикограмма, 538 миллион дона олтинқўза ва 434 миллион дона бракон ишлаб чиқарилиб, жойларга тарқатиш давом этмоқда. Ўргимчаккага қар-ши курашиш учун эса 3 минг тонна олтинқўрут қуқун жамғарилди. Бувайда туманида 7730 гектар майдондаги гўза қўчатлари-нинг парваршиш агротехника қўдалари асосида олиб борилаёт-ган боис ҳисилга ҳосил қўшилмоқда. Туман ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлими бу йил 580 та фермер ҳамда 2 та ширкат ҳўжа-лиги билан кимёвий ва биологик усулда курашиш бўйича шарт-номалар имзолаган. Бунинг учун эса 147 килограмм 500 грамм трикограмма, 27 миллион 800 дона бракон ва 41 миллион дона олтинқўза каби керакли маҳсулотлар ишлаб чиқарилиди.

Суратда: ишчи Инобат Усмонова иш устида.

Муҳимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат

• «ЎзХДП — 15 йил» танловига

БУРИЛИШ НУҚТАСИ

ЁКИ ПАРТИЯДОШ БИЛАН СУҲБАТ

— Қурултой ўтган йил, ёзда — июль ойида бўлувдими?
— Ҳа, унда қабул қилинган янги Дастурда партиянинг мафкура-вий принциплари аниқ белгилаб берилди ва устуворликлари ҳам айтилди. Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги вазифаларнинг ҳаммаси — умуммиллий мафкурадан келиб чиққан ҳолда баён этилди... Қурултой ЎзХДПнинг сиёсий мафкурасини шакллантириш ва ривожлантиришда туб бурилиш нуқталарини кўрсатиб берди. Биринчи марта: аҳолининг икти-моий адолат, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ёрдамга муҳ-тож қатламлари партиянинг доимий элзотари эканлигини очик эълон қилди. Ижтимоий идеални — мамлакатда социал демократик давлат бунёд этиш, деб таллади...
— Дейлик, ўша идеалдаги давлатни бунёд этишга эришдик ҳам... Сўнг нима бўлади?
— Сўнгми? Сўнг... бундай давлат ўзининг ҳар бир фуқаросига оқори маълумотли, юксак малакали ва тўлақонли касбий банд-лиги учун барча шароитни яратиб берган бўлади. Ҳар бир оила учун ривожланган мамлакатлар эришган кўрсаткичларни қоли-шмайидган даромадлар даражасини қафолатяйди...
— Яна?
— Яна: иш билан банд бўлмаган, аммо меҳнатга қобилиятли аҳолининг тўлиқ ва ҳолис ҳисоби юритиладиган ҳамда унинг тўла-қонли иш билан бандлиги таъминланадиган бўлади. Қафолатлан-ган бандлик билан бирга қафолатланган таълим ҳам алоҳида эътибор берилди. Қафолатланган таълим эса янги касб-ҳунар-ларни ўрганишга имкон яратади. Янги касб-ҳунар эгалари қанча кўпайса — ишлаб чиқариш, ижтимоий ва коммунал инфратузилма-ларда, айниқса, қишлоқ жойларида ривожланиш бўлади. Халқ таъ-лими ва соғлиқни сақлаш соҳаларида испхотларнинг устувор ва-зифалари бекамм-қўст ижро топади. Айни шу икки муҳим ижтимо-ий ҳаба ҳодимлари — ўқитувчилар ва шифокорлар ёш авлоднинг маънавий тарбияси ҳамда миллат соғлиғи муҳофазасида ўз масъ-улиятларини тўла, онгли ҳис этдилар. Натияжада, жамиятда юксак фуқаролик ва ватанпарварлик сифатлари шаклланади. Худди шу сифатлар жамиятга, юртқа, халққа ва низоҳат ўзимизнинг парти-ямизга ҳам асосий тарқат бўлади...

3 ЎзХДПнинг V Курултойида «чақилган»ди.

4

Мулоҳаза

ПОЙДЕВОРИ ОМОНАТ ОИЛАЛАР

Оила кураётган ёшлар учун нима муҳим? Муҳаббатми? Садоқатми? Ота-онасининг мартабаси ёки мол-дунёси?

Жамият мисоли дарахт бўлса, оила унинг меvasи. Демак, ҳар иккаласининг илдизи бир, ўзаро бир-бирини боғлаб, кейинги пайтларда шошма-шошарлик ёки ота-оналарнинг қистови билан зўрма-зўраки қурилатган оилалар борлиги кишини ўйга толдиради.

маштириб бўлмайди. Унда оила деган мўътабар номга пулур етмайди. Шунинг учун ҳам бу борада таваккалчилик, шошма-шошарлик қилиш ярамайди.

Забинисо ИБРАГИМОВА, психолог: — Яқин қариндошларнинг қуд-андчилиги кўпинча эр-хотин ўртасида тушунмовчилик ва совуқчилик пайдо бўлишига олиб келади.

Эслаб кўринган, ўтмишда ота-боболаримиз ҳар қандай янги оила барпо бўлишдан олдин унинг заминига жиддий эътибор бериш. Ҳар иккала ёшнинг келиши чикиши, оилавий аҳволи, қариндошлиги борми-йўқми — булар инобатга олинган.

Яқинда бир танишимни учратиб қолдим. Авзойи бузуқ, тушкун кайфиятда эди. Сабабини сўрасам: «Ие, нимасини айтмай, ота-онам нени уйлантирмоқчи», — деди.

— Ҳуш, унда нимадан хавфсан? — Қошқиди, улар айтган қиз менга ёкса. Узилшиб кетмайлик, деб холам билан қуда бўлишмоқчи. Қаршилиқ сўрастим. Бўлмади. Нойлоқ розилик билдирди.

Афсуски, бундай мисолларни кўпайиб келиши мумкин. Шу ўринда бир мулоҳаза. Дейлик, дўкандан биронта буюм харид қилдингиз. Олган нарсангиз ёқмаса, уни бошқасига алмаштираёсиз. Ҳеч бўлмаса пулингизни қайтиб оласиз. Қурилган оилани эса иккинчи марта ал-

қарори бор. Бироқ унинг икроси бўйича қилинаётган ишлар ҳали кўнглидагидек эмас. Одамлар тиббий кўрик хулосасини олмаддан, илоҳи бўлса никоҳни «бир амаллаб» ҳал қилишса бўлган.

Яқинда қабулимизга бир аёл кириб келди. Унинг таъкидлашича, бир йил олдин ўғлини уйлантирган экан. Келини ҳомиладор эмиш. Бироқ, шунча уришилларга қарамадан улар ажрашишга қарор қилишибди. Энди нима қилмоқчисиз, деб сўраганимда, ҳалиги аёл: «Булларнинг ажралишига қарори қатъий. Бошида ўз-ўзичлик деб никоҳни расмийлаштирмагандик. Энди, шунча мол, буюм бўлибса, бизникига эга чиқмасмикан, деб кўрқаяман», — дейди.

Мана сизга ҳали расмий қурилмасдан туриб бузилган оила тақдирини. Агар ўша аёл бу тўғрида бироз илгарироқ ўйлаганда эди, ўз келини моли-ю дангиллама иморатларига эга чиқиб қолишидан қўриб идорама-идора югуриб юрмасмиди?

Манзура ТҮЙЧИЕВА, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими бош мутахассиси: — Маълумки, 2003 йил 25 августда Вазирлар Маҳкамасининг «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори қабул қилинган эди.

Ушбу қарорга кўра бузғунли кунда Соғлиқни сақлаш ва зирлиги билан ҳамкорликда республикамизнинг барча вилоятларида никоҳланувчи шахсларни текшириш марказлари ташкил этилган бўлиб, улар замонавий тиббий асос-ускуналар, малакали мутахассислар билан таъминланган. У ерда бўлажак келин-кўвлар асаб, тери-таносил, сил, гиёҳвандлик каби касалликларга қарши текширилади. Ҳар йилининг олти ойлик маълумотларига қараганда, Фарғона вилоятида никоҳдан ўтиш учун ариза берган 8725 нафар

фўқародан 8432 нафари тиббий кўриқдан ўтган. Текшириллар жараёнида 62 та рухий, 18 та сил, 7 та тери-таносил, 4 та гиёҳванд, 3 та СПИДга чалинганлар аниқланган.

Тўғри, Фарғона вилоятида соҳа ходимларининг ўз ишига масъулият билан ёндашиши тўғрисида ахвол қониқарли эмас. Мисол учун, Наманганда никоҳдан ўтиш учун ариза берганлар сони 5944 нафарни ташкил қилган бўлиб, шундан 5159 таси текширувдан ўтказилган. Шулاردан 37 та рухий, 6 та сил, 2 та тери-таносил, 2 та гиёҳванд касалликлари аниқланган.

Биз бу рақамларни бежиз келтирмадик. Чунки бундай рақамлар ортда инсонлар тақдирини ёттирибди. Афсуски, шунча савий-ҳаракатларга қарамадан баъзи фўқароларимиз ҳамон никоҳга лоқайд қарамоқда.

Онани Ватанга, жамият яратувчисига қийнашди. Миллат генофондини сақлашда, соғлом авлодни дунёга келтиришда аёлларимизнинг ўрни беқиёсдир. Шундай экан, жамиятимизнинг бир бўлини ҳисобланмиш, янгитдан қурилатган ҳар бир оила тиббий ходимлари, ФХД вакиллари, маҳалла оқсоқоллари, дин уламолари ва бошқа мутахассисларнинг назоратида бўлиши керак.

«Бу менинг ваколатимга кирмайди, мен ўз ишим учун жавоб бераман» қабилидаги гаплардан воз кечишимиз зарур.

Демак, бу сўзлардан шундай хулоса келиб чиқади: оилага шунчаки эрмак деб эмас, балки миллат тақдирини ҳал қилувчи оимил деб қарашни ўрганишимиз лозим. Халқимизда «қуш уяси бузилмасин» деган ибора бор. Шундай экан, бизга омонат оилалар эмас, замани бақувват, келажакки пролоқ оилалар керак.

Бектош ИСМОИЛОВ

Инсон хотираси — азиз

«УЛАР ФУТБОЛ УЧУН ТУФИЛИШГАНДИ...»



1979 йилнинг 11 августини ўзбек футбол учун энг қайғули кун сифатида хотирамизда муҳрлаб қолган... Шу кун Тошкент — Гурьев — Донецк — Минск йўналишида 65816 рейси билан учиб бораётган ҳаво лайнери 8400 метр баландликда Челябинск—Кийев йўналишидаги 178 нафар йўловчи ҳамда экипаж аъзоларининг ҳаётига зомин бўлди, улар орасида «Пахтакор»нинг 17 ўғли ҳам бор эди...

Футболнинг фахрийси Тулаган Исоқов марҳум пахтакорчи дўстларини хотирлаб шундай деди.

— 1975 йилги мавсумда жамоамиз собиқ иттифокнинг энг кучли клубларига муносиб қаршилик кўрсатганида, — дея эслайди. — Едимда, ўша йили Киевнинг «Динамо»си билан ўтадиган ўйинга пухта ҳозирлик қўлган эди.

«Пахтакор» (Германия) жамоасини мағлубиятга учратиб, бош совринни қўлга киритишди. Энди бевоисита ўйин тафсилотлари ҳақида тўхталадиган бўлсам, учрашув жамоамиз устунлигида ўтди ва биринчи бўлим охирида Василий Хадзипанагис «Пахтакор»ни ҳисобда олдинга олиб чиқди. Танаффусдан кейин ҳам ташаббус биз томонда

бўлди. Ушунда мен билан Миша Ан иккитадан тўп киритиб, ҳисобни 5:0 га етказгандик. Биринчи давранинг Киев шаҳрида ўтказилган учрашувда ҳам омад «Пахтакор»га қулиб қоққанди. Ягона голим авазига 1:0 ҳисобда зафар қўчдик. Қизғини шундаки, 1975 йилда Киев динамочилари 4 марта мағлубиятга учраган бўлса, шундан иккитаси «Пахтакор»га тўғри келди. Афсуски, ўша мавсум якунида жамоамиз олий лига билан хайрлашган эди. «Динамо»дан устун келганимиз боис бўлса керак, ўшанда украинлик ишқибозлар орасида «Биз шундай бахтлимизми, «Динамо» УЕФА кубоги финалида «Пахтакор»ни эмас, «Бавария»ни енгни. Агарда бу хал қилувчи ўйинда «Пахтакор»га қарши тўп сурганди борми, бош соврин шак-шубҳасиз Тошкентга кетарди, — деган гаплар юрарди...

— Жароҳатим борлиги сабабли «Пахтакор»нинг Минскда маҳаллий динамочиларга қарши ўтадиган сафар учрашувига бора олганаман, — дея сўзида давом этди Тулаган Исоқов. — Жамоадеш дўстларимни Тошкент аэропортидан кузатиб юборганим. 11 август кунини эса пахтакорчилар ўтирган самолёт осмонда бошқа самолёт билан тўқнашиб кетибди, деган шум-хабарга, аввалига ишонмадим. Аммо, бу гап-сўзлар рост эди. Шундан кейинги ҳолатимни сўз билан таърифлаб бера олмайман... Фарз қилинг, кеча суҳбатлашган дўстларингизни умрбод кўра олмасан... Юрсам ҳам, турсам ҳам марҳум жамоадеш-

ларим билан хаёлан гаплашардим. Очиги, уларни кўз олдимдан кетказма олмасдим. На уйқуда, на машгулотда ҳаловат бор эди.

Мана шу воқеа рўй берганига ҳам 27 йил бўлибди. Ўзим ҳар йили 11 август кунини пойтахтимиздаги Боткин қабристонига бориб, марҳум дўстларимнинг қабрларини зиёрат қиламан. Шу ўринда марҳум Володя Фёдоровнинг гаплари ёдимга тушади: «Пахтакор»нинг ҳар бир футболчиси бошқа жамоадан тушган тақлифларни бир овоздан рад этишади. Чунки биз Ўзбекистон учун туғилганмиз».

Шу ўринда бир воқеа ёдимга тушди. 2002 йил ўзбек футболининг 90 йиллиги муносабати билан футболчилик фахрийлари билан бирга Фарғона водийси вилоятларига сафарга боргандим. Ушунда Наманган вилоятининг ўйин туманидаги «Пахтакор» стадионига ташриф буюрдик. Мазкур ўйингоҳга кирарди 17 та арча кўчати экилган экан. Кейин билсақ, уйчилик ишқибозлар «Пахтакор-79»нинг марҳум футболчиларига бағишлаб, «Хотира боғи» барпо қилишибди. Қизғини шундаки, ҳар бир экилган ниҳол тагига «Пахтакор-79» аъзоларининг номлари қайд этилганди.

Улар футбол учун туғилишганди. Уларни футбол орқали танидик. Футбол тўғрисида 17 ўғлон бизнинг энг яқин қўшимиз бўлиб қолди. Ҳар йили август ойида... Эслаймиз, изтиробга тушамиз, кўзда ёш билан афсус чекамиз...

Неъматжон АҲМЕДОВ

ЎЗБЕКISTON ҚЎЛ КУРАШЧИЛАРИ ФАХРИЛИ ИККИНЧИ ЎРИНДА

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида армрестлинг (қўл кураши) бўйича жаҳон кубогининг иккинчи саралаш босқичи якунланди. Ўзбекистон спортчилари жамоа ҳисобида мезбонлардан кейинги фахрли иккинчи ўринни эгаллашди.

Юртимиз вакиллари шахсий ҳисобдаги беллашувларда ҳам яхши натижаларни кўрсатишди. Хусусан, Жасур Алиқабиров иккита, Дмитрий Докучаев ва Фарход Худоёров биттадан олтин медал,

Алишер Худоёров ва Жамшид Усмонов биттадан кумуш медални қўлга киритишди. Элидат Усмоновга эса бронза насиб этди. Ўзбекистон армрестлинг ассоциацияси бош мураббийи ва вице-президенти Алишер Юсупов раҳбарлигида 2005 йилда мусобақалардан юздан зиёд медал, хусусан, биргина Япониядан 18 та соврин билан қайтишди.

«Жаҳон» АА

«Жаҳон» АА

МАЗМУНЛИ ВА МАРОҚЛИ ҲОРДИК

Эллиқалъа туманидаги Ақчақўлда бўлганмиш? Худди Қора денгизга ўшаба кетадиган ушбу гўзал масқанда дам олиб ҳордиқ чикарадингиз, айниқса мактаб ўқувчилари ёғи таълими мароқли ўтказишга мўлжалланган оромгоҳлар талайгина.

Қоракўлпогонист Республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли «Орол болалари» ўқув-соғломлаштириш маркази ана шундай масканлардан. Бу ерда ёғи таътил пайтида бир йўла 225 бола тўрт сменада дам олиб, саломатликларини тиклайдилар.

Бундан ташқари, оромгоҳ болалари Ақчақўлда бўйлаб тез-тез теплоходда саёҳат уюштириладилар. Бу ерда «Истеъдодларни излаш мизи», «Гийёҳвандлик — ёмон иллат», «Эртақлар оламига саёҳат», каби кўрик-танлов ва бадиий кечалар ҳам ўтказиб бориладилар, унда кўпайиб ёшлар ўз истеъдодларини намойиш этишади.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

Қинғир иш — келтирар ташвиш

ҲАЛОЛЛИК БОР ЖОЙДА, БАРАКА БОР

Мамлакатимизда тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилди. Меҳнат қил, даромад топ, бойи. Бироқ қонунга белинмас бўлма. Солиқларни вақтида тўлаб даромаднинг кўпайтиривер.

Мантаникн ўйлаб кўрсак, тўлаётган солиқларимиз у ёки бу кўринишда ана ўзимизга қайтиб келади. Шунинг учун солиқнинг моҳияти ва мақсадини одамларга халқона тилда тушунтириб беришимиз лозим. Қолаверса, солиқ тўлаш ҳар бир фўқароимиз бурчидир. Бурчин унутганлар эса қонун олдида жавоб берадилар. Бунга Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти Тошкент вилоят бошқармаси томонидан ўтказилган текширишлар натижаси ҳам мисол бўла олади.

Жорий йилнинг биринчи ярми давомида бошқарма ходимлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда назорат идоралари билан ҳамкорликда 534 та текширувлар ўтказилиб, шундан 265 та ҳолатда маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланган ва 269 та ҳолат бўйича жиноят ишлари қўзғатилган. 2006 йил олти ойи давомида жами бюджетга 3.537.676,8 минг сўм маблағлар ундирилган. Ҳуқуқбузарлар томонидан ноқонуний

равишда муомалага киритилган 471.970.800 сўмлик товар моддий бойликлар олиб қўйилган бўлса, шундан бугунги кунда 241.055.000 сўмликни сотиб, сотувдан тушган маблағлар давлат бюджетига ундирилиши таъминланди.

Жумладан, Тошкент — Чирчиқ йўналиши бўйлаб ҳаракатланаётган фўқаро А.Каримов бошқарувидаги «КамАЗ» русумли давлат рақами 10 Г 3758 бўлган юк машинасида 15000 кг. шакар маҳсулотлари Чирчиқ шаҳрига олиб кетилган экан. Хайдовчидан ҳужжатлар сўралганда мол етказиб берувчи Тошкент шаҳрида жойлашган «Шакар инвестмент» Ян-Қўннинг режизистратини ҳамда харидор бўлиши Анджион шаҳридаги «Савдо Плюс Барака» кичик ишлаб чиқариш корхонасининг режизистратини тақдим этган. Ажабланирлики шунки, «Савдо Плюс Барака» кичик ишлаб чиқариш корхонаси 2005 йил 1 апрелдан ўз фаолиятини тўхтатган экан.

13.000.000 сўмлик шакар маҳсулотлари далилий ашё сифатида олиниб, жиноят иши қўзғатилди. Суднинг ҳукмига асосан ҳуқуқбузар тегишли жазосини олди. Яна бир мисол. Фўқаро А.Ишматов бошқарувидаги «Зил-130» русумли давлат рақами 11 Р 91-00 бўлган автомашинада ҳеч қандай ҳужжатсиз фўқаро Э.Одинаматовга тегишли бўлган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарил-

ган, умумий қиймати 8.022.975 сўмлик спиртли ичимликлар ва 19 турдаги 548.185 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда 28 турдаги 156.200 сўмлик озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини Ангрэн шаҳрига сотиш мақсадида олиб кетаётганлиги аниқланган. Э.Одинаматовга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан тегишли жазо белгиланди.

Шунингдек, ноқонуний нақд пул айланмалари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, олдини олиш ва бартавраф этиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ян-Қўн шаҳрида солиқ тўловчи сифатида бўлишдан ўтган «Ният Ишон» масъулияти чекланган жамияти томонидан «JF INTERNATIONAL» корхонасидан 29.200.000 сўмлик қандолат маҳсулотлари пул ўтказиш йўли билан сотиб олинган. Ушбу қандолат маҳсулотларида 8400000 сўмлик пул ўтказиш йўли билан сотилган. Қолган қандолат маҳсулотлари Тошкент шаҳридаги «Карвон бозори»да харидорларга нақд пулга сотиб юборилиб, савдодан тушган 21.000.000 сўм нақд пул назорат касса машинасига кирим қилинмасдан, банк муассасасига топширилмасдан ишлатиб юборилганлиги аниқланган. Мазкур ҳолат юзасидан жамият раҳбари Н.Юлдашевга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Гувоҳнома № 000815

БОЛАЛАРГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Сирдарё шаҳридаги «2-Ёшлик» маҳалласида мўъжаз спорт мажмуаси қад ростлади. Бир неча йилдан буён фойдаланмай келинаётган эски бино Сирдарё туман коммунал хўжалиги бошқармаси ҳомиёлигида қайта таъмирланди. Қисқа вақт ичида бу ерда мини футбол, кўл тўпи, гимнастика майдончаси қурилди. Спорт анжумаларини Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман филиали етказиб берди. Мажмуа мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида маҳалла болалари учун ҳақиқий байрам туҳфаси бўлди.

Д.ЭСОНОВА, ЎЗА муҳбири

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти Кенгаши икроси қўмитаси Пискент туман партия кенгаши раиси ўринбосари Хадича Зайтовага отаси Турсунбой ТОШМАТОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изор қилди.

Table with multiple sections: BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV; TAHRIR HAY'ATI: Abdulla OROPOV, Latif G'ULOMOV, Asliddin RUSTAMOV, Ashur QODIROV, Bobir ALIMOV, Farruh HAMROYEV; MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI; BO' LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot; Ma'naviyat va ma'rifot; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot; Parlament va huquq; Ekologiya va salomatlik; Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik; Xatir va ommaviy ishlar; Reklama va e'lonlar; VILOYAT MUHBIRLARI: Andijonda; Buxoroda; Gulistonda; Jizzaxda; Navoiyda; Namanganda; Nukusda; Samarqandda; Urganchda; Farg'onada; Termizda; MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOCHILAR KO'CHASI, 32-UY.